

афанитовой структуры, массивные. Среди разностей, наиболее обогащенных ОВ, содержатся прослой горючего сланца, состоящие из изоморфной смеси глин (мергелей и известняков) с битуминозным веществом имеющие характерные структурно-текстурные особенности, выраженные тонкой, листоватой слоистостью, массивностью, смолистым блеском. Горизонтальная слоистость обусловлена послойным чередованием известковых раковин фораминифер, минеральной массы и гумусо-сапропелевого органического вещества.

В различных фациальных зонах позднего палеоцена-раннего эоцена, благоприятных для накопления исходного субстрата, впоследствии преобразованного в горючие сланцы, выделяются различные их типы, отличающиеся строением пласта и вещественным составом.

Прежде всего мы обратили внимание на общность геохимической специализации тасказганской свиты Центрального Кызылкума, нижнеэоценовых горючих сланцев, имеющих сходный редкометалльный спектр химических элементов. Принимая сингенетичную природу накопления редких и редкоземельных элементов (V, Mo, U, Re) горючесланцевых горизонтов Центрального Кызылкума, мы считаем, что, несмотря на различия фациальных и временных условий накопления названных элементов, сходство геохимической специализации указывает и на периодичность геологических событий [3].

Литература

1. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан. (Под ред. Т.Ш. Шаякубова, Т.Н. Далимова). Ташкент: Университет, 1998. С.30-37.
2. Эгамбердиев М.Э. Принципы выделения литологических и стратиграфических ловушек нефти и газа мезо-кайнозоя (Западный и Южный Узбекистан). Ташкент: Фан, 1979.
3. Прохоренко Г.А., Лузановский А.Г., Артемова Н.М. Металлоносности горючие сланцы Республики Узбекистан. Ташкент: Фан, 1999. С.39-45.

ЎЗБЕКИСТОН МАРГАНЕЦ КОНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ЎРГАНИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ ВА ЎЗЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пириязоров М.М., Тўрақулов А.У.*


Дунё бозорида марганец тақчиллиги йўқ, чунки унинг тайёрланган захиралари эришилган қазиб олиш суръатида 130-150 йилга етади. Бирок, умумий захираларнинг 89 фойзини ўзида жамлаган, етакчи марганец

*Пириязоров М.М. – Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг "Минерал манбалар институти" давлат корхонаси, профессори.
Тўрақулов А.У. - ЎЗМУ, Геология ва геоинформацион тизимлар факультети таянч 2-курс магистранти.

ишлаб чиқарувчи етти мамлакат - Хитой, Жанубий Африка Республикаси, Украина, Бразилия, Габон, Ҳиндистон ва Австралиядagi конлар жуда нотекис жойлашган [1].

Ўзбекистонда марганецнинг минерал ресурс базаси, асосан Қоратепа тоғларидаги қийин бойитилувчи карбонатли, силикат-карбонатли, оксид (шу жумладан оксидланган) маъданлардан иборат. Бундан ташқари, улар полиминерал, юқори дисперс ва фойдали компонентга унчалик бой бўлмаган (металл ўртача миқдори 20 фойзгача) таркиби туфайли чет эл конларига нисбатан анча қийин технологик бойитилади [2]. Марганец конларини ўзлаштириш, Довтошда Россиялик ҳамкорлар билан бирга ўтказилган унча йирик бўлмаган тажриба-услубий ишларни инobatга олмаганда, республикамизда амалга оширилмаган. Саноат корхоналарининг металлга бўлган эҳтиёжи Украина (Никитинское ва б.), Грузия (Читаури ва б.) ва Қозоғистондан (Жездинское ва б.) маҳсулотлар импорти билан қондирилган. Аввалаги иттифоқ парчаланиши билан, Ўзбекистон корхоналарини марганец билан таъминловчи маҳаллий табиий манбаларни излаб-топиш долзарб вазифага айланди. Шу туфайли, ҳозирда геология соҳасини диққати муаммони бартараф этиш имкониятини бериши мумкин бўлган марганецли кон ва истиқболли майдонларга қаратилган.

Тадқиқотлар Ўзбекистондаги марганецли объектлар орасида ўзлаштириш учун энг истиқболлиси, бу *Довтош кони* эканлигини кўрсатмоқдалар. Бу кон Қоратепа тизмаси ғарбий қисми жанубий ён бағридаги Лолабулоқ тоғларида (Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани) жойлашган [3]. Кон йирик, кенгликга қараб 10 км йўналган дарзлик зонасида занжирсимон жойлашган, геологик-қидирув ишлари билан турли муфассалликда ўрганилган 12та участкадан иборат. Улардан учтаси - Сарикамиш, Кўксай ва Қизилбайроқда ўтказилган баҳолаш ишлари натижасида 1 миллион тонна атрофида маъдан захиралари ҳисобланган. Марганец маъданлашуви энгга ўлчами 700 метр бўлган гравелит, кумтош, алевролит, аргиллит, роговиклашган сланец ва роговикдан иборат терриген тоғ жинслари орасидаги оҳақтошларнинг иккита, унча катта бўлмаган қалинликдаги, горизонтларида жойлашган линза ва қатламсимон ётқазиклар билан боғлиқ. Маъдан таналари ўзгарувчан псиломелан-пиролозитли ва псиломелан-вернадитли таркибга эга. Оксидланган маъданлар чуқурликда марганец миқдори янада кам бўлган чуқинди-мегаморфлашган карбонатли ва кремний-карбонатли маъданларга ўз ўрнини бўшатиб берганлар (1-расм).



Қуйи силур, ландовери-венлок: 1-мармарлашган охактошлар, 2-кремлашган, охактошли, кремлашган-охактошли сланецлар, 3-Тектоник бузилишлар, 4-маъдан танаси (линза), 5-марганецни камбағал маъданлари, 6-кесим чизиги.

2-расм. Тахтакорача марганец кони схематик геологик харитаси (тўртламчи давр ётқизикларини олиб ташланган ҳолатда) ва А-В чизигя бўйча кесим.

Тахтакорачадаги минераллашув жойлашуви, маъдан таналарининг морфологик-структуравий турлари ҳамда геологик-структуравий шароитлари Довтош конида кузатилганларга ўхшашдир. Коннинг асосий маъдан ҳосил қилувчи минераллари пиролюзит (ўрганилган намуналардаги минераллар умумий миқдорининг 18,97%), псиломелан (40,37%), браунит (18,22%), гаусманит (20,24%) ва вернадит (2,2%) ҳисобланади. Шу билан бирга, маъданларнинг оксидланган турларига мансуб минераллар - пиролюзит, псиломелан ва вернадит маъданлардаги марганец минералларининг умумий ҳажмининг 60%дан ортигини, бирламчи оксидланган – браунит-гаусманит эса, 40%ни ташкил қилади. Марганец минералларининг барча турларини, қазиб олиш вақтида бир-биридан ажратиб олиш имконияти камлиги сабабли ягона мажмуага бирлаштирилган [4].

Ушбу марганец минералларидан иборат маъданлар коннинг юқори қисмини (ер сатҳидан 60-80м чуқурликгача) ҳосил қилади ва ярим оксидланган браунит-гаусманит тури деб таснифланади. Ундан чуқур горизонтларда, асосан, ётқазикларнинг маъдансиз қисми - кремний-карбонатли тоғ жинслари тарқалганлиги кузатилади.

Ғарбий Буқонтов майдони ушбу икки қондан анча узоқда жойлашгани билан, истиқбол жиҳатдан қўп ютказмайди. Истиқболли майдон Навоий вилоятидаги Учқудуқ шаҳридан 20 км шимолий-шарқда геологик-қидирув ишлари натижасида чегараланган бўлиб, уни ташкил қилувчи участкалари қуйи-ўрта ордовикнинг кўксой свитасига мансуб аралаш катламланиб турувчи метаалевролит, метақумтош ва филлитли сланецлардан ташкил топган кристалл фундаментнинг нураган тоғ жинсларидан иборат [5]. Бу ердаги темир-марганец минераллашуви тўртламчи чуқинди ётқизиқ ва емирилган фундаментни тоғ жинсларида жойлашган. Маъданлашув бир неча катламсимон тарқоқ жойлашган, камбағал, оксидланган марганец минераллашуви ётқизиқлари кўринишида намоён бўлган. Маъданлар таркибида нодир ва ноёб ер элементларининг юқори миқдорлари ҳам аниқланган.

Маъданлар моддий таркиби бўйича темир-марганец турига мансуб. Таркибида марганец бўлган минераллар парда, дендрит ҳамда бўйраксимон, колломорф, окимсимон-пучоксимон шакллар ҳосил қилувчи тодорокит ва вернадитдан иборат. Маъданлар ғовак ва тупроксимон. Таркибида 8% га яқин марганец ангидриди бўлган потенциал камбағал маъданлар Оксой, Жомон ва Придорожный участкаларида 100 минг тоннадан ортиқ миқдорда баҳоланган.

Аниқланган маъданлашувга ўхшаш саноатда ўзлаштирилаётган қонлар йўқ. Шунинг учун, ресурсларни башоратлашда 20 км жанубий-шарқда жойлашган Алисой марганец қони эталон сифатида қабул қилинган. Бирок унда марганецнинг ўртача миқдори икки баробар юқори. Жаҳон бозоридаги марганец конъюктурасининг қулай бўлиши ҳамда маъданларга ишлов бериш технологиясини янада такомиллаштириш ушбу объектларни «Навоий ТМК» давлат корхонаси томонидан кичик ҳажмли ўзлаштирилиши учун яроқлилигини таъминлаши мумкин.

Самарқанд геологик-иктисодий регионининг жанубий қисмидаги Чақилқалон ва Қоратепа тоғларининг туташган ерларига яқин жойларда Ўзбекистон Республикасида биринчи бўлиб мустақил марганец ишлаб чиқаришга асос солиш учун маъданларнинг етарли захиралари бор. Лекин, ушбу режаларни амалга оширишга ҳозирда захиралар ҳисобланган участкаларни маконда бир-биридан анча узоқдалиги, улар жойлашган ерларнинг баланд тоғликка ҳос ўта мураккаб рельефи, маъданларни геологик-структуравий ва моддий жиҳатдан етарсиз ўрганилгани ҳамда марганец ажратиш олишнинг самарадор технологиясини ишлаб чиқиш зарурияти ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Яқин йилларда ушбу камчиликлар ҳам бартараф этилади. Бундай ишонч, регионда қузатилаётган геологик-қидирув ишларининг муттасил ривожланиб бораётгани ҳамда марганец қонларига яқин жойлашган олтин (Широтное, Окба, Оқота ва б.), вольфрам (Яхтон, Қоратепа, Қизилтурук ва б.), ниобий-тангал (Сулатсой, Мангит, Боёнқора ва б.) каби фойдали

казилма конларига бўлган махаллий, Россия, Туркия, Корея, Хитой ва бошқа мамлакат инвесторлари қизиқишини кундан-кунга ўсиб бораётганига асосланади. Шуларнинг ҳаммаси, 2019 йилда ривож қилинган инвестицион муҳит сақланиб қолганида, ҳудудга зудлик билан конларни излаш, разведка қилиш ва ўзлаштиришнинг янги технологияларини жалб этилишини ҳамда замонавий йўл-энергетик инфратузилмаларини яратилишини таъминлайди. Ушбу, янги марганец ишлаб чиқариш саноатига асос солиш учун қулай трендларнинг кучайишида Тебинбулок темир (титано-магнетит) конини ўзлаштириш бўйича Республикамиз Раҳбариятининг улкан режаларини муваффақиятли амалга ошириши ҳам қатта аҳамият касб этади.

Маълумки, марганецнинг асосий қўлланиш соҳаси бўлиб қора металлургиянинг юқори сифатли пўлат ишлаб чиқариш тармоғи хизмат қилади. Марганец пўлатни каттиклиги, мустаҳкамлиги ва емирилишга чидамлилигини таъминлайди. Ўзбекистон саноати учун жуда ҳам керакли бўлган темир йўл рельслари, вагонлар скат ва стрелкалари, тош майдаловчи қурилма ва шарли тегирмон ишчи қисмлари ва бошқа махсус металл талаб қилувчи деталлар таркибида 12-15% марганец (соф ёки ферромарганец кўринишида қўшилади) бўлган металлургик қотишмалардан тайёрланади.

Адабиётлар

1. Минерально-сырьевые ресурсы марганца.
<https://studfile.net/preview/8694435/page:2/>
2. Борzych O C. Геолого-экономическая переоценка марганцеворудных объектов Южной Сибири в целях создания ферросплавного производства / Автореф. на соиск. уч. степ. канд. геол.-мин. наук. Москва, РГГУ им. С.Орджанекидзе, 2012. 25с.
3. Пирназаров М.М., Бурханов Ф.С., Поляков В.Н. Инвестиционный потенциал рудных полезных ископаемых Узбекистана / Материалы международной конференции «Инвестиционный потенциал твердых полезных ископаемых Узбекистана». Ташкент, 2008. С. 70-90.
4. Барнышева Т.А. Геолого-минералогические факторы, влияющие на переработку карбонатно-силикатных и оксидно-силикатных марганцевых руд / Автореф. на соиск. уч. степ. канд. геол.-мин. наук. Москва, ФГУП «ВИМС», 2012. 25с.
5. Шилов В.П. Проведение поисково-оценочных работ на марганец в пределах участков Аксай, Придорожный, Джаман и другие Западно-Букангауской площади в 1992-1994 гг. Госгеолфонд. г. Ташкент.